

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОДИЛОВА СИТОРА САЙФИТДИН ҚИЗИ**

**МЕВА ШАРБАТЛАРИ БРЕНДИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ  
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

**Одилова Ситора Сайфитдин қизи**

Мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Одилова Ситора Сайфитдин кизи**

Разработка маркетинговых стратегий по формированию бренда фруктовых соков ..... 31

**Odilova Sitora Sayfitdin kizi**

Development of marketing strategies for the formation of a brand of fruit juices..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 62

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОДИЛОВА СИТОРА САЙФИТДИН ҚИЗИ**

**МЕВА ШАРБАТЛАРИ БРЕНДНИИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ  
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt751 ракам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Бекмуродов Адҳам Шарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Акрамов Тоҳир Абураҳмонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Шарифходжаев Усмон Улфатович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташқилот:

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.1.16.02 ракамли илмий кенгашнинг 2022 йил «16 » 08 соат 10 даги мажлисига бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (115 раками билан рўйхатта олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239 - 28 - 75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «2 » 08 куни тарқатилди.

(2022 йил 29 » 08 даги 18-ракамли реестр баённомаси).



М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, и.ф.ф.д., доцент

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорида истеъмол товарларининг брендини шакллантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш тобора кенг тус олмоқда. Маркетинг стратегиялари миллий компанияларнинг халқаро бренд даражасига кўтарилишига қулай имконият яратиб, глобал рақобатда устунликка эришишнинг асосий воситасига айланмоқда. «2020 йилда глобал COVID-19 пандемияси юз беришига қарамай, топ 100 таликка кирган энг яхши глобал брендларнинг қиймати 9 фоизга, умумий товар қиймати эса 2 трлн. доллардан ошган»<sup>1</sup>. Истеъмолчиларнинг соғлом овқатланиши ва турмуш тарзини таъминлашга бўлган талабининг ошиши жаҳон мева ва сабзавот шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда истеъмол товарлари бозорида корхоналарнинг самарали брендинг сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш орқали халқаро миқёсда рақобат устунлигига эришишга эътибор қаратилмоқда. Бунда товарлар брендини яратишга оид назарияларни такомиллаштириш, глобал бозордаги тенденциялар таъсирида юзага келаётган брендинг стратегиясининг модификациялашган шаклларини синтез қилиш, бизнеснинг бошқарувига таъсир йўналишларини аниқлаш, жумладан, мева шарбатлари бозорида бренд бўйича хабардорлик, мижозлар содиқлигини таъминлаш, истеъмолчиларни шахсий афзал кўриш қобилиятларига кучли ва самарали бренд воситаси орқали таъсир қўрсатиш кабилар асосий тадқиқот йўналишларидан хисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган озиқ-овқат саноатини техник жиҳатдан янгилаш ва модернизациялаш сиёсати натижасида мева шарбатлари бозори жадал тарзда кенгайиб, ишлаб чиқарувчилар сонининг сезиларли даражада ошиб бориши рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясинида «2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,4 млн. тоннага, қайта ишлаш даражасини сут бўйича 32 фоиз, гўшт - 25 фоиз, мева-сабзавот бўйича - 28 фоизга етказиши»<sup>2</sup> вазифаси озиқ-овқат саноатининг мева шарбатлари ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, миллий бозордаги ички эҳтиёжларни тўлиқ ва сифатли қондириш билан бир қаторда, ташки бозорларда ҳам мустаҳам мавқега эга бўлиб боришни кўзда тутади. Бу эса мева шарбати маҳсулотлари миллий брендлари таркибини кенгайтириш, компанияларнинг самарали нарх сиёсатини шакллантириш, маркетинг коммуникацияси харажатларини тежаш ва самарадорлигини ошириш, мева шарбатлари брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

<sup>1</sup> Манба: Interbrend. Best Global Brand 2020 Report.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида», 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат ҳақида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартағи ВМҚ-119-сон «Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва мазкур соҳага оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва уларнинг маркетинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан, миллий брендини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий ишланмаларида тадқиқ этилган. Бу борада L.Wyma, Г.Ассэль, G.A.Churchill, T.J.Brown, P.H.Kotler, I.Setiawan, H.Karatajaya, N.K.Malhotra, D.Kennedy, V.D.Praet, J.Salenbacher, A.Traindl, J.Trout, P.Doyleлар ва бошқа муаллифларнинг илмий ишларини келтириш мумкин<sup>3</sup>. Бироқ, мазкур узоқ хорижлик олимларнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда

<sup>3</sup> Wyma.L. Consumers' preferences for private and national brand food products-Mini-dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree Magister in Consumer Sciences at the Potchefstroom Campus of the North-West University,2010; Factors affecting store brand purchase in the Greek grocery market – University of stirling-2012; Umbrella Branding of Private Labels by Sophie Theron -Arizona State University - 2014 ; Ассэль Г. Маркетинг: Принципы и стратегия: -М.: Инфра-М.,1999; Churchill G.A, Brown T.V. Basic marketing research, -Thomson, United States, 2010; Kotler Ph. Marketing essentials. –Prentice Hall, United States, 2019; Kotler Ph., Setiawan I., Kartajaya H. Marketing 3.0: From Products to Customers to the Human Spirit. – wiley, 2012.; Malhotra N.K. Marketing research an applied orientation. – Prentince Hall, United States, 2016; On Strategic Marketing. Harvard Business review Press, - Boston, Massachusetts, 2019; Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Boston, Massachusetts, 2019; Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Building by Direct Response – Entrepreneur Press, 2014, Praet V.D. Unconscious Branding. How neuroscience can empower marketing. – Prentince Hall, USA, 2012, Salenbacher J. Creative personal branding. –BIS Publishers, 2013, Traindl A. Store branding excellence. – retail /branding. -2011., Trout J. Big Brands Big Trouble. – John wiley&sons, inc. New York, 2013, Doyle P. Marketing management and strategy. –Pearson Education, London, 2002.

брендни шакллантиришга қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, шарбат ва нектар маҳсулотларининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда брендини шакллантириш масалалари деярли ўрганилмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, А.М.Годин, Е.Ю.Гречин, М.О.Макашёв, П.Правда, И.Я.Рожков, В.Г.Кисмерешкин, П.А.Муслимова, С.Н.Сологубов, Б.Ю.Трошキン каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>4</sup>. Мазкур илмий тадқиқотларда бренд назариялари, истеъмол товарлари брендини шакллантириш ва брендинг стратегияларини ишлаб чиқишинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган бўлсада, шарбат ва нектар маҳсулотлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи деярли кўриб ўтилмаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, М.А.Икрамов, А.А.Фаттахов, Ш.Дж.Эргашходжаева, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов, И.С.Хотамов ва бошқалар маркетинг фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар<sup>5</sup>. Мазкур муаллифлар асосан замонавий маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, корхоналарнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштиришга оид қатор муаммоларни ҳал этганлар. Сўнгги йилларда бренднинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этишга қаратилган республикамиздаги бир қатор олимларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ф.Т.Касимова, Т.А.Мамаджанова, У.У.Шарифходжаев, Г.Б.Муминова, Г.М.Остонақулова, Х.Ф.Очилова, З.А.Хакимов, С.А.Эшматов каби олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар асосан турли тармоқларнинг бренд стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилган. Аммо мева шарбатлари бозорида брендни шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш борасида тўлиқ ва тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган бўлиб, мазкур диссертация мавзуси айнан шу жиҳатларни ўрганишга қаратилган.

## **Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан**

<sup>4</sup> Багиев Г.А., Тарасевич В.М. Маркетинг – СПб.: Питер, 2012; Брендинг компаний на локальных рынках потребительских товаров – Москва-2010, Бренды глобальных компаний на российском рынке: стратегии продвижения и оценка бренда (на примере глобальной компании InBev) – Санкт-Петербург 2009 автореф. дисс., Годин А.М. Брендинг. – М.: Финпресс, 2008; Гречин Е.Ю. Создание брендов. – СПб.: Питер, 2018; Макашёв М.О. Бренд-менеджмент. –СПб.: Питер, 2018; Правда П. Бренд личности. – М.: Омега Л., 2018.; Рожков И.Я., Кисмерешкин В.Г. Брендинг. – М.: Юрайт, 2013; Муслимова П.А. Организационно-экономический механизм создания бренда (на примере марок дагестанских производителей), 2007; Сологубов С.Н. Построение и развитие брендов товаров массового потребления – Волгоград, 2006; Трошキン Б.Ю. разработка классификации торгового ассортимента бренда на основе категорической систематизации. – Кемерово, 2008

<sup>5</sup> Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Раҳманов Д.А., Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестициялар самарадорлиги. –Т.: Iqtisodiyot, 2019; Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Strategik marketing: – Т.: TDIU, 2010; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси –Т.: “Фан”, 2004., Икрамов М.А., Пардаев М.К., Абдухалирова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. – Т.: Sano-standart, 2019; Фаттахов А.А., Акуфиев А.И. Маркетинговые и логистические технологии в коммерческом бизнесе. –Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2019; Эргашходжаева Ш.Д., Самадов А.Н., Шарипов И.Б. Маркетинг. –Т.: Iqtisodiyot, 2013; Эргашходжаева Ш. Инновацион маркетинг. – Т.: Чулпон, 2014.; Qosimova M.S., Ergashhodjaeva SH., Abdughalilova L.T., Muhitdinova V., Yuldashev M. Strategic marketing – Т.: O’qituvchi, 2004; Хотамов И.С. Брендинг – Т.: ТДИУ, 2016. Шарифходжаев У.У Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари бренд бошқаруви методологиясини такомиллаштириш. дис –. Тошкент, 2015.

**боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-161-рақамли «Халқаро стандартларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш услубиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бренд яратиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишининг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва услубий асосларини такомиллаштириш;

мева шарбатлари брендини шакллантириш бўйича глобал бренд компанияларининг тажрибаси ва улардан Ўзбекистон маҳаллий корхоналарида фойдаланиш йўлларини асослаш;

Ўзбекистонда мева шарбатлари бозорининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

мева шарбатлари маҳаллий брендларининг ички бозордаги рақобат позицияларини диагностика қилиш;

мева шарбатлари бозорида шаклланган маҳаллий брендларнинг маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

мева шарбатлари маҳаллий брендини яратиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

мева шарбатлари брэндинг амалиётида қадоқлаш усулларини такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ этиш;

маҳаллий мева шарбатлари бозорида брэндингдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш;

мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш услубиётини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи бренд корхоналари фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омили таҳлил, SWOT, STEP, CSI таҳлил, сўров, танланма кузатув, график талқин, эксперт баҳолаш сингари усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

«Сочная Долина» миллий бренди маҳсулотлари нархини шакллантиришда эътиборга олиниши зарур бўлган истеъмолчилар таъсирчанлиги ва мойиллигининг  $ri=+10;20;30;40\% \rightarrow rc = -19,6;28,2;34;45,2\%$  даражадаги «фаол таъсир диапазони»ни аниқлаш асосида мева шарбати маҳсулотларининг нарх сиёсатини такомиллаштириш таклифи асосланган;

миллий бозорда мева шарбатлари брендлари учун истеъмолчилар таъсиранлиги ва мойиллигининг ўрта ва узок муддатли тенденциялари асосида чакана савдо айланмасининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

миллий бозорда мева шарбатлари брендларини шакллантиришнинг турли босқичлари бўйича истеъмолчилар доираси торайиб боришининг ўртacha даражаси ( $CRL=86,4\%$ )да маркетинг коммуникацияси харажатларини истеъмолчиларни йўқотиш нисбатан юқори бўлган харид ( $lc_p=56,8\%$ ) ва такорий харид ( $lc_{rp}=13,6\%$ ) босқичларига мутаносиб тарзда табақалаштириш орқали тежаш асосланган;

мева шарбатлари бозори болалар сегменти талабларига мослашишнинг сотув ҳажмига аҳамиятли таъсири ( $k=1,18 - 1,2$ )га кўра «Сочная Долина» ҳамда «Tip-Top» шарбатларининг турли ёшдаги болалар гурухларига мўлжалланган қадоқлаш харажатларини пасайтирувчи, истеъмол учун қулай, тежамкор ҳажми ва шакллари асосланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга сотув сиёсатини тўғри йўлга қўйиш имкониятини яратувчи бренд сиёсатини амалга ошириш схемаси ишлаб чиқилган;

мева шарбатлари брендларини шакллантириш, уларни силжитиши ва рақобатдошлигини оширишга қаратилган брендни баҳолаш методикаси таклиф этилган;

мева шарбатлари миллий брендинг стратегияси учун асос бўлувчи қадоқлаш стратегиялари таклиф этилган;

мижознинг брендга содиқлигини аниқлашда математик модел асосида бренд қийматини яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш услубиёти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мева шарбатлари миллий брендини шакллантиришнинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг брендлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, Давлат статистика қўмитаси ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбалари асосида шаклланганлиги ва уларнинг самарали таҳлили «Excel» ва «SPSS statistics», «Stata15» дастурий пакетлардан фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти брендинг асосида мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, корхоналарда брендни бошқариш, брендинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий мева шарбатлари брендини глобал брендларга айлантириш, бренд қийматини баҳолаш ва истеъмолчиларнинг

брендга содиқлигини шакллантириш борасидаги дастурий мақсадларни белгилаш, уларни амалга оширишнинг услубий қоидалари ва амалий натижалари республикамиздаги мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса республикада фаолият юритаётган мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш маҳаллий брендларни шакллантириш, бренд архитектурасини режалаштириш, маркетинг фаолиятини амалга ошириш ва бренд архитектурасини яратиш имконини беради. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан «Брендни бошқариш», «Брендинг», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Инновацион маркетинг» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сочная Долина» миллий бренди маҳсулотлари нархини шакллантиришда эътиборга олиниши зарур бўлган истеъмолчилар таъсиранлиги ва мойиллигининг  $ri=+10; 20; 30; 40\% \rightarrow rc = -19,6; 28,2; 34; 45,2\%$  даражадаги «фаол таъсири диапазони»ни аниқлаш асосида мева шарбат маҳсулотлари нарх сиёсатини такомиллаштириш таклифидан «Natural Juice» МЧЖнинг 2020 йилга мўлжалланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини ошириш ва маркетинг дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 05/032-4657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифининг амалиётга жорий этилиши натижасида «Natural Juice» МЧЖнинг «Сочная Долина» бренди доимий истеъмолчилари сони 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 3,9 фоизга ошган;

миллий бозорда мева шарбатлари брендлари учун истеъмолчилар таъсиранлиги ва мойиллигининг ўрта ва узоқ муддатли тенденциялари асосида ишлаб чиқилган чакана савдо айланмасининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларидан «Marvel juice» МЧЖ фаолиятининг истиқбол учун «Маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини ошириш ва маркетинг дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 05/032-4657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Marvel juice» МЧЖнинг 2025 йилгача бўлган даврдаги маркетинг дастуриишлаб чиқилган;

миллий бозорда мева шарбатлари брендларини шакллантиришнинг турли босқичлари бўйича истеъмолчилар доираси торайиб боришининг ўртacha даражаси ( $CRL=86,4\%$ )да маркетинг коммуникацияси харажатларини истеъмолчиларни йўқотиш нисбатан юқори бўлган харид ( $lc_p=56,8\%$ ) ва тақорий харид ( $lc_{rp}=13,6\%$ ) босқичларига мутаносиб тарзда табақалаштириш орқали тежаш таклифидан «Natural Juice» ва «Marvel juice» МЧЖларнинг 2020 йилга мўлжалланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини ошириш ва

маркетинг дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 05/032-4657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Natural Juice» МЧЖнинг «Сочная Долина» брендига содик истеъмолчилар сонини 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 14 фоизга, тақорий харид қилувчи истеъмолчилар сонини 17 фоиздан 25 фоизга оширишга, «Marvel juice» МЧЖнинг «Tip-Top» брендига содик истеъмолчилар сонини 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 67 фоизга, тақорий харид қилувчи истеъмолчилар сонини 19 фоиздан 24,6 фоизга оширишга эришилган;

мева шарбатлари бозори болалар сегменти талабларига мослашишнинг сотув ҳажмига аҳамиятли таъсири ( $k=1,18 - 1,2$ )га кўра «Сочная Долина» ҳамда «Tip-Top» шарбатларининг турли ёшдаги болалар гуруҳларига мўлжалланган қадоқлаш харажатларини пасайтирувчи, истеъмол учун қулай, тежамкор ҳажми ва шаклларидан фойдаланиш таклифидан «Natural Juice» МЧЖнинг 2020 йилга мўлжалланган «Махсулот ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини ошириш ва маркетинг дастури»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 05/032-4657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифининг амалиётга жорий этилиши натижасида «Natural Juice» ва «Marvel juice» МЧЖларнинг болалар сегментидаги савдо ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 19 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъruzza қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 3 та ва хорижий журналларда 2 та илмий мақола, республика ва халқаро илмий-амалий анжуман тўпламларида 9 та маъruzza тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 147 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, обьекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни «**Мева шарбатлари брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида, истеъмол товарлари бозорида бренд яратиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий асослари ҳамда мева шарбатлари брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари ўрганилган. Мева шарбатлари брендини шакллантириш бўйича глобал бренд компанияларининг тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистон маҳаллий корхоналарида фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Жаҳонда кечайтган рақамли глобал иқтисодиётнинг шаклланиши ва вужудга келаётган рақобат натижасида истеъмолчилар билан муносабатлар ёндашишда маркетингнинг шахсийлаштиришга йўналтирилган ёндашувлари юзага келмоқда. Бундай иқтисодиёт шароитида корхонанинг бозордаги муваффақияти эса бренд яратиш стратегияларидан фойдаланиши тақозо этмоқда. Анъанавий маркетингнинг рақобатда устунлик, товар, нарх ва коммуникация стратегияларидан фойдаланиш усууллар ҳам тобора ўз аҳамиятини йўқотаётганлиги сабабли, корхоналарда истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларга асосланган стратегиялардан, жумладан брендинг стратегияларидан фойдаланиши талаб этмоқда.

Замонавий маркетинг бозорга истеъмолчилар нуқтаи-назаридан ёндашишни талаб этмоқда, бундай йўналишни танлаган корхоналар эса ўзининг кучли брендига эга бўлмоқда. Бренд орқали истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқаларни шакллантириб, маҳсулот сотилишини тезлаштириш ҳамда қўшилган қиймат яратишга эришилмоқда. Шундай экан, Ўзбекистонда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, жумладан мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи бозор субъектларида бренд стратегияларидан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Бренд кўп қиррали ва мавҳум тушунча. Ушбу тушунчани иқтисодий жиҳатдан обьектив аниқлашда фақат таниқли назариётчи ва амалиётчилар фикрларини ҳисобга олиш лозим. Хорижий мамлакатларда бренд назарияларини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Соҳа мутахассислари томонидан «брэнд» атамасини таърифлаш бўйича бир қатор ёндашувлар мавжуд.

Бренд концепцияси ҳамда бренд назарияси бўйича адабиётлардаги ёндашувларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан брендни «хуқуқий хужжат», «идентификация тизими», «товарнинг ўзига хослиги», «харидорлар

тасаввуридаги образ», «шахсият», «муносабат», «қўшилган қиймат» эканлиги аниқланди.

Муаллиф фикрича, бренд корхонанинг номоддий активи, маҳсулотга қўшилган қийматни шакллантириш йўналишлари ва истеъмолчини бир умрлик мижозга айлантириш воситаси сифатида қаралган. Брендлар товар ҳақида истеъмолчилар хабардорлигини оширади, танловни рағбатлантиради ва маҳсулотга қиймат қўшади. Шунинг учун брендлар истеъмолчилар учун қимматли маълумот манбаи, ишлаб чиқарувчилар учун маркетинг коммуникацияси воситасидир.

Бренд стратегияси маркетинг стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонанинг умумий стратегиясига мос келади. Бренд стратегияси корхонадаги корпоратив ва маркетинг стратегиялари ўртасидаги ўзаро боғлиқ муносабатларга асосланади.

Бренд стратегиясини яратиш брендингнинг маълум концепциясига асосланади. Ҳар бир савдо маркаси брендга айланавермайди. Савдо белгиси умуман брендга айланиши мумкин эмас ёки маълум макон-вақт оралиғида брендга айланади. Корхоналар кучли брендларни яратишга қизиқишиди, лекин бу жараён мураккаб кечади. Бренд яратиш ва бошқариш билан боғлиқ масалалар икки гурухга бўлинади:


1. Бренд яратиш билан боғлиқ масалалар: бренд номи (индивидуал номлар, фирма номлари, фирма номи билан индивидуал номлар комбинацияси) - брендни молиявий қўллаб-қувватлаш (ишлаб чиқарувчининг маркаси, шахсий ёрлиғи, лицензия белгиси, ҳаммуаллифлик).

2. Брендни илгари суриш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар: бренд стратегияси (битта товар тоифасида бренддан фойдаланиш, товар чегараларини бошқа маҳсулот гурухлари, кўп брендлар, янги брендлар, комбинацияланган брендлар); бренднинг жойлашишини ўзгартириш.

Истеъмол товарлари учун брендинг концепциясини ишлаб чиқишидаги замонавий тенденциялар асосида, товар ва бренд ўртасидаги фарқни тушуниш орқали бренд концепциясини ишлаб чиқилиш мумкин.

Мақсадли аудиторияни тўғри белгилаш, бренд хусусиятлари ва бренд моделларидан келиб чиқсан ҳолда мева шарбатлари бозорида маҳаллий брендни яратиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишининг услугий асослари 1-расмда келтирилган.

Таклиф этилган услугий асос мева шарбатлари бозорида бренд концепцияси мақсадлари, вазифа ва тамойиллари билан бир қаторда, унинг асосий компонентларини танлаш имкониятини беради. Бренд яратишининг асосий мақсадлари истеъмолчиларнинг брендга содиқлигини оширишга қаратилиши лозим. Бренд яратувчи корхона қуйидаги принциплар асосида ишлаши брендни мақсадли аудитория тезкор қабул қилишига эришишида муҳимдир, улар қуйидагилар: товар категорияси бўйича лидерлик; содиқ истеъмолчиларни шакллантириш; рақобатбардошликтини ошириш; нархни ошириш ёки камайтириш бўйича эгилувчанлик; брендни идрок этишнинг яхлитлиги; силжитишдаги қўшимча имкониятлар мавжудлиги; коммуникация мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам бренднинг чидамлилигига эришиш.



**1-расм. Мева шарбатлари бозоридаги маҳаллий бренд яратиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишининг услубий асослари<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси

Мева шарбатлари бозорида бренд яратиш брендни бошқариш принциплари билан бирга маркетинг микс (5P) элементидан фойдаланишин түгри йўлга қўйиш лозим. Фикримизча, мева шарбатлари бозорида маркетинг микс элементлари қаторига стратегик актив сифатида «қадок» ҳам киритилиши лозим. 1-расмда тавсия этилган услубий ёндашув бозор ва ташқи муҳитга мослаштирилган энг мақбул бренд стратегияларини танлаш, шунингдек, бренд портфели доирасида: мавжуд бренд ёндашувини сақлаш, ребрендинг ёки янги бренд яратиш мақсадга мувофиқ. Бренд портфели доирасида қуидаги стратегиялардан фойдаланиш тавсия этилади: товар брендлари стратегияси, бренд товарлар линияси стратегияси, бренд ассортименти стратегияси, соябон бренд стратегияси, она бренд стратегияси.

**Диссертациянинг «Ўзбекистонда мева шарбатлари брендини шакллантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда мева шарбатлари бозорининг ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган. Мева шарбатлари маҳаллий брендлари бўйича рақобат муҳити ўрганилган. Мева шарбатлари бозорида маҳаллий брендларни шакллантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда мева шарбатлари ишлаб чиқариш мустақилликка эришилгач ривожлана бошлаган. Мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайиб бориши Ўзбекистонда мева етиштиришда замонавий усуллар қўлланилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланаётгани ва интенсив боғлар кўпайиши билан боғлиқ. Республикада 2021 йилда 1000 дан зиёд корхоналарда шарбат ва нектар маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Корхоналарда банд бўлганлар сони 2012 йилда 570 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 2651 нафарни ташкил этган. Мамлакатда помидор, апельсин, ананас, узум ва олма шарбатларини ишлаб чиқариш кенг ривожланган. Ўзбекистонда мева шарбатларини ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилганлиги, бозорда самарали рақобат муҳитининг пайдо бўлиши бир қатор маҳаллий брендларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Диссертацияда амалга оширилган STEP таҳлили натижалари брендлар шаклланиши учун яратилган умумий муҳитга баҳо бериш имконини берган. Ижтимоий омиллар (S) сифатида мева шарбатлари чакана савдоси айланмаси ўзгариши озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси айланмаси таркибидаги ўзгаришларга ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Агар ҳўл мевалар чакана савдо айланмасининг жами чакана савдо айланмаси таркибидаги улуши ортса, мева шарбати маҳсулотлари чакана савдо айланмаси пасайиб боради, бунга асосий сабаб аҳолининг аксарият қисми мева шарбатлари маҳсулотларини уй хўжаликларида қайта ишлаш кўнинмаларига эга эканлигидадир.

Мева шарбати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори технологияли саноат мавжуд эмаслиги сабабли, технологик омилларнинг (T) таъсири ушбу бозор учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Бироқ бундай омилнинг таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади, асосий эътиборли кўрсаткич сифатида тармоқда яратилган инновацион маҳсулотлар ҳажми динамикасидир. Амалга оширилган таҳлил

натижаларидан маълумки, озиқ-овқат саноатида амалга оширилган инновацияларнинг қарийб 5 фоизи ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келади.

Мева шарбатлари бозори ривожланишига таъсир этувчи асосий иқтисодий омил (Е) сифатида уларнинг нарх динамикаси ўрганилган. Мева шарбатлари ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотнинг ҳар бир тоннаси учун ўртача нарх динамикаси (ҚҚСиз) ўзгаришлари билан чакана савдо айланмаси динамикаси ўртасидаги корреляция ( $R^2=0,801$ ) ҳам ушбу омилнинг аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий фаолияти натижалари ҳам ушбу бозорда рақобат муҳити шаклланишида асосий омил ҳисобланиб, рентабеллик даражаси юқори бўлса, рақобат муҳитининг шаклланиши шунчалик юқори бўлади. Мева шарбатларини ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий фаолияти таҳлилларидан маълум бўладики, 2010 йилда рентабеллик 6,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 6,2 фоизни ташкил этган.

Шарбат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги асосий экологик омил ҳисобланиб (Е), тартибга солувчи қонунчилик мавжудлиги ҳам ушбу бозорда рақобат муҳити шаклланишида асосий сабаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида техник регламентлар бўйича талаблар қанчалик юқори бўлса, маҳсулот сифати шунчалик юқори бўлади ва унинг нархи ошади.

Мевалардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартағи 119-сон қарорида келтирилган. Белгиланган талаблар эса мевалардан олинган шарбат маҳсулотлари бозорига янги рақобатчиларнинг кириб келишини чеклайди ва истеъмолчиларни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиб, бозорнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Сиёсий омиллар (Р) сифатида мевалардан олинган шарбат маҳсулотлари корхоналари фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган қонунчилик талаблари, янги сифат стандартларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича умумий йўналишларнинг ўзгариши маҳаллий ҳокимликлар томонидан белгилаб берувчи умумий талаблар киритилади.

Амалга оширилган STEP таҳлили натижалари Ўзбекистон мева шарбатлари бозорида юқори рақобат муҳити шаклланганлигини асослайди. Шунга кўра, диссертацияда Ўзбекистонда охирги 10 йил давомида бир қатор маҳаллий брендлар шаклландики, уларнинг бозордаги ҳаракатларини қузатиш орқали брендларнинг ички рақобат муҳити аниқланган.

Бренд лидерлигини қузатиб бориш орқали унинг бозордаги ўрни қай даражада эканлиги, бозордаги ўрни, рақобатчилар уларни қандай қабул қилаётгани ва истеъмолчилар товарларга содиқлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин. Брендлар рақобат ҳолатини аниқлаш мақсадида 2019 йил 26 августдан 13 сентябргача бўлган давр давомида ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижалари истеъмолчилар назарида шаклланган брендлар бўйича умумий хуносалар чиқариш ҳамда маҳаллий брендлар ўртасидаги рақобат муҳитини шаклланиш ҳолати бўйича муаммоларни аниқлаш имкониятига эга бўлинган.

Сўров, кузатув ва шахсий интервью бўйича ўтказилган маркетинг тадқиқотлари мева шарбатлари маҳаллий бозорида шаклланган брендларнинг рақобатдаги устунликлари бўйича асосий омилларни аниқлашга қаратилган. Маркетинг тадқиқотлари Ўзбекистоннинг еттига вилоятида ўтказилган бўлиб (Тошкент шаҳар, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Андижон, Нукус ва Наманган шаҳарларида), унда жами 640 та респондент иштирок этган. Респондентлар ёши 18-55 ёшгача. Турли хил касб эгалари, 56 % аёл ва 44 % эркак респондентлардан жавоб олинган. Иштирокчиларнинг жавоблари асосан Ўзбекистонда мавжуд мева шарбатлари маркалари орасида муқобил танлов ва брендни афзалликларини аниқлаш имконини берган (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Истеъмолчилар томонидан рақобатдош мева шарбатлари маркаларини афзалликларини таққослаш<sup>7</sup>**

| Агар сиз хоҳлаган маркадаги шарбат таъми бўлмаса нима қиласиз. | Bliss (n:170) |   | Сочная Долина (n:182) |  | Dena (n:106) |   |
|--|---------------|---|-----------------------|--|--------------|---|
|  | %             | Ўрнини босувчи  | %                     | Ўрнини босувчи   | %            | Ўрнини босувчи  |
| Харид киламан  | 44 %          | Сочная Долина (38), Dena (21), Viko (5), Jesco (3), Dolce Fresh (2), Bliss Trolss (2), Meva juice (1), Pro100 (1), J7 (1) | 30 %                  | Bliss (27), Dena (12), Viko (6), Pro100 sok (3), Dolce Fresh (2), Meva juice (2), Jesco (1). | 30 %         | Сочная Долина (18), Bliss (7), Dolce fresh (2), Jesco (2), Pro100 sok (2), Meva juice (1) |
| Ўйлаб кўраман  | 31 %          |   | 33 %                  |  | 31 %         |   |
| Доимий маркамни бошқа дўконлардан ахтариб кўраман              | 19 %          |   | 21 %                  |  | 16 %         |   |
| Ҳеч нима харид қилмайман                                       | 2 %           |   | 7 %                   |  | 11 %         |   |
| Бошқа хил ичимлик харид қиламан                                | 5 %           | Coca-Cola (5), Fanta (2), Pepsi (1)   | 9 %                   | Fanta(4), Ice tea (4), Coca-Cola (3), Pepsi (3), Dinay (1), Flash (1), Limonad (1)           | 11 %         | Pepsi (4), Coca-Cola (3), gazlangan suv (3), Dinay (1), Ice tea (1)                       |

Сўровномадан маълум бўлдики, маҳаллий бозорда истеъмолчиларининг асосий қисми агар ўзлари доимий харид қиласиган шарбат маркаси дўконда йўқ ҳолатлар рўй берса, улар ўрнини босувчи бошқа маркадаги шарбат харид қиласи. Рақобатчи маркалар орасида брендга бўлган содиқлик «Сочная Долина» истеъмолчилари бошқа маркадагиларга нисбатан юқори экан, уларнинг асосий қисми доимий маркадаги шарбатни ахтариб кўрап экан, ёки ҳеч нарса харид қилмай кетар экан. Умумий натижаларга кўра, Ўзбекистонда шарбатларнинг 65 % асосан оиласлар томонидан истеъмол қилинади, 55 %и болалар учун, 18 % шахсий фойдаланиш учун ва 15 % и меҳмонлар учун сотиб олинади.

Маркетинг тадқиқотлари натижаларидан маълумки, истеъмолчиларнинг турмуш тарзи ўзгариши, соғлиқ учун фойдали маҳсулотларга бўлган мойиллик ва харид қобилияти ошиши шарбатлар бозорини ривожлантирувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Брендлар шарбатлар бозоридаги рақобатда муваффакият қозониши учун маҳсулотларнинг фойдали хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мавжуд шарбатларнинг сифати истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларига мувофиқ равишда такомиллашиб бориши лозим. Тадқиқот натижаларига кўра,

<sup>7</sup> Муаллиф сўровномаси асосида тўпланган маълумотлар.

истеъмолчиларнинг ноозиқ ва мукаммал шарбат таъмига талаби юқори эканлиги аниқланди.

Маркетинг тадқиқотлари натижалари шарбат бренді яратувчиларининг маркетинг коммуникация воситаларидан фойдаланиш жараёни ва брендга содиқликни шакллантиришда амалга ошираётган стратегияларини баҳолаш имконини берди. Бунда AIDA моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилған. Мева шарбатлари истеъмолчиларнинг брендга муносабатини аниқлашда AIDA моделининг асосий 4 та компонентига 2 та тақорий харид ҳамда содиқлик компонентларини қўшган ҳолда 6 компонентдан иборат бренд воронкасини ҳосил қилувчи пирамида тадқиқотчи томонидан таклиф этилган. Пирамиданинг энг қуи қисмида брендга содиқлик ётади. Бренд воронкаси моделидан фойдаланилиб, таҳлил қуидаги омиллар асосида амалга оширилади: хабардорлик, кузатиш, сотиб олиш, тақорий харид, содиқлик, word of mouth (WOM маркетинг). Бренд воронкасини тузиш бўйича 5 босқичда амалга оширилган таҳлил натижалари 2-жадвал маълумотларини олиш имконини берди.

## 2-жадвал

### **Мева шарбат маҳсулотлари брендларининг истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши<sup>8</sup>**

| Бренд номи                           | Хабардорлик | Кузатиш   | Харид     | Тақорий харид | Содиқлик  |
|--------------------------------------|-------------|-----------|-----------|---------------|-----------|
| <b>Сочная Долина</b>                 | 100         | 99        | 76        | 59            | 34        |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 1           | 23        |           | 17            | 25        |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 99        | 77        | 78            | 58        |
| <b>Bliss</b>                         | 100         | 98        | 66        | 50            | 30        |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 2           | 32        |           | 16            | 20        |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 98        | 67        | 76            | 60        |
| <b>Dena</b>                          | 100         | 97        | 56        | 40            | 20        |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 3           | 41        |           | 16            | 20        |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 97        | 58        | 71            | 50        |
| <b>Jesco</b>                         | 82          | 77        | 25        | 14            | 6         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 5           | 52        |           | 11            | 8         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 94        | 32        | 56            | 43        |
| <b>Viko</b>                          | 68          | 65        | 16        | 8             | 3         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 3           | 49        |           | 8             | 5         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 96        | 25        | 50            | 38        |
| <b>Dolce Fresh</b>                   | 86          | 83        | 17        | 6             | 2         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 3           | 66        |           | 11            | 4         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 97        | 20        | 35            | 33        |
| <b>Pro 100 sok</b>                   | 62          | 58        | 13        | 6             | 1         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 4           | 45        |           | 7             | 5         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 94        | 22        | 46            | 17        |
| <b>Meva Juice</b>                    | 64          | 60        | 13        | 5             | 1         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 4           | 47        |           | 8             | 4         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 94        | 22        | 38            | 20        |
| <b>Bliss Trolls</b>                  | 63          | 63        | 9         | 4             | 1         |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 0           | 54        |           | 5             | 3         |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 100       | 14        | 44            | 25        |
| <b>Ўртача</b>                        | <b>81</b>   | <b>78</b> | <b>32</b> | <b>21</b>     | <b>11</b> |
| Йўқотилған истеъмолчилар сони, нафар | 3           | 46        |           | 11            | 10        |
| Нисбий қиймат, %                     |             | 97        | 41        | 66            | 52        |

<sup>8</sup> Маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида тузилди.

Мева шарбати маҳсулотлари брендларининг истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши бўйича воронкага эътибор қаратилганда «Сочная Долина» бренд истеъмолчиларнинг кузатиш вақтида маркетинг коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш асосида атиги бир фоиз истеъмолчилар йўқотилмоқда.

Бренднинг харид жараёнида йўқотилаётган истеъмолчилар сони 23 фоизни ташкил этган бўлса, такрорий харид жараёнида 17 фоизни ташкил этмоқда. Корхонанинг брендга содиклик дастури мақсадга мувофиқ эмаслиги натижасида воронканинг бу босқичида 25 фоиз истеъмолчилар йўқотилган. Бренднинг фаолиятининг энг юқори натижаси ҳисобланган «содиклик» дастури «Сочная Долина» брендидан мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, мева шарбатлари брендларини шакллантиришда истеъмолчилар доирасини торайиб бориш даражаларини, минимал ва максимал фоиз даражаларини белгилаш лозим. Мева шарбатларини брендларини шакллантиришнинг тури босқичлари бўйича истеъмолчилар доираси торайиб боришининг ўртача даражаси ( $CRL=86,4\%$ )да маркетинг коммуникацияси харажатларини истеъмолчиларни йўқотиш нисбатан юқори бўлган харид ( $Icp=56,8\%$ ) ва такрорий харид ( $Icpr=13,6\%$ ) босқичларига мутаносиб тарзда табақалаштириш мақсадга мувофиқдир.


Диссертациянинг «Ўзбекистонда мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» деб номланувчи учинчи бобида маҳаллий мева шарбатлари брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича амалий тавсиялар берилган. Маҳаллий корхоналарнинг бренд яратиш дастурларини амалга ошириш йўллари белгилаб берилган. Мева шарбатлари бренднинг амалиётида қадоқлаш усувларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Ўзбекистонда маркетингнинг анъанавий усувларига асосланган тизимда мева шарбатлари бозорида шаклланган рақобатда омон қолиш имконини бермайдиган бозор шаклланган. Ўзбекистоннинг замонавий мева шарбатлари бозорида рақобатбардош устунликлар бренд орқали қиймат яратишга қаратилиши барча корхоналар учун асосий стратегик мақсадга айланган.

